

3. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

3.1. Нефт маҳсулотлари «Сотувчи»нинг оморидан ёки унга қарашли ёқилги қуюш шаҳобчагаридан «Истеъмолчи»нинг буюртмаси ва унда етказилиши сўралган нефт маҳсулотлари учун тўловлар келишилган муддатда олдиндан 100% амалга оширилганини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нуسخаси тақдим этилганда етказиб берилади.

3.2. Нефт маҳсулотлари оморига нефт маҳсулотини ташувчи автомобил пистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бериши шарт. Аке ҳолда автотранспорт воситалари омор худудига киритилмайди ва уларга нефт маҳсулотларининг кўйилганига руҳсат этилмайди. Бундай автотранспорт воситаларининг бўш кетиши учун «Сотувчи» жавобтар бўлмайди.

3.3. Нефт маҳсулотлари кўйилган автоцистерналар (Истеъмолчи)нинг автотранспортда олиб кетиш ҳолатлари бундан мустафо) «Истеъмолчи»нинг талабига биноан «Сотувчи»нинг ёки унинг бўлиномлари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (2517-2012 давлат стандартига) мос тарзда тамағланади.

3.4. Нефт маҳсулотлари ушбу шартноманинг 3.1. бандида келтирилган ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб 2 кун ичида етказиб берилади. Нефтни қайта ишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темир йўл ташкилотларининг айби билан юзага келган нефт маҳсулотлари таъминотлиги ўзини ҳолатларида «Сотувчи» томонидан «Истеъмолчи»ни бу ҳақда хабардор қилинган ҳолда томонлар етказиб беришининг бошқа муддатини ўзаро келишиб олишлари мумкин.

4. НЕФТЬ МАХСУЛОТЛАРИНИ КАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Нефт маҳсулотлари микдор бўйича қабул қилиш "Ишлаб чиқариш техника ва халк истеъмоли молларини микдор жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида"ги П-6-сонли ва сифати бўйича эса "Ишлаб чиқариш техника ва халк истеъмоли молларини сифат жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида"ги П-7-сонли йўриқномага ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида амалга оширилади.

4.2. «Истеъмолчи»нинг вақили нефт маҳсулотларини олаётган вақтда маҳсулотнинг сифати ва микдорини жойида текшириб олади.

4.3. Нефт маҳсулотларини етказиб берганлик тўғрисидаги тегишли ҳужжатлар «Сотувчи»нинг омориди ёки унга қарашли АЁҚШда, айрим ҳолларда «Истеъмолчи»нинг худудига расмийлаштирилади ва уларни «Истеъмолчи» томонидан бунга ваколат берилган ишончнома асосида вақили имзолайди ва нефт маҳсулотларини қабул қилиб олади. Эталлик ҳуқуқи, тасолифий нобуд бўлиши, нефт маҳсулотларига эмён этиш хавфи «Сотувчи» омориди ёки АЁҚШ худудидан чиққан вақтдан бошлаб «Истеъмолчи»га ўтлади.

5. НЕФТЬ МАХСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ

5.1. «Сотувчи» «Истеъмолчи» га сифати Давлат стандартларига ва техник шартларга жавоб берилган нефт маҳсулотларини етказиб бериши кафолатлайди. Етказиб берилган нефт маҳсулотларининг сифати 1510 ва 2517-сон Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу нефт маҳсулотларини автотранспорт воситаларига юклай ва ташиб етказилиши кузатилишига оид расмийлаштирилган ҳужжатларда қайд этилиши лозим.

5.2. Нефт маҳсулотларини олишда «Истеъмолчи» уларнинг сифатини, шунингдек сифат паспортини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6. ТОМОНЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексига ва «Хўжалик юригувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунига биноан жавобтар бўлиладилар.

6.2. «Сотувчи» нефт маҳсулотларини ўз вақтида етказиб бермаганлик учун ҳар бир кечиктирилган кун учун вақтида етказилмаган нефт маҳсулотлари суммасининг 0,1 фоизи, лекин 10 фоиздан ортик бўлмаган микдорда пеня тўлайди.

6.3. «Сотувчи» нефт маҳсулотлари сифатини ўз хисобидан тиклаб бериш билан бир қаторда «Истеъмолчи»га етказиб берилган сифати лозим даражада бўлмаган нефт маҳсулоти қийматининг 5 фоизи микдоридида жарима тўлайди.

6.4. «Истеъмолчи» белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефть маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош торгонтлиги учун «Сотувчи»га олинмаган маҳсулот умумий қийматининг 5 фоизи микдоридида жарима тўлайди ва таъминотчи олинмаган маҳсулот учун маҳсулотнинг тўлик қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

6.5. «Истеъмолчи» ўзининг худудига олиб келинган нефть маҳсулотларининг қабул қилишда амалдаги ёнтин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрилари тўлик амал қилинишига тўлик жавобтардилар.

6.6. «Истеъмолчи» етказиб берилган нефт маҳсулотларини саклашнинг техникавий шарт-шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб берилади.

7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

7.1. Томонлардан бирортаси ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ва бунга форс-мажор ҳолатлар, яъни енгил бўлмайдиган куч (фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қургонлик, сув тошқини, ёнтин, сел, дўл, жаъла ва бошқа табиий офатлар)) сабаб бўлганлигини исботлагаса, жавобтар бўлмайди.

8. БОШҚА ШАРТЛАР

Ушбу шартноманинг бажарилишида юзата келадиган ҳар қандай низо ва келишмовчиликлар томонлар ўртасида ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади. Келишувга эришилмаган тақдирда эса низолар белгиланган тартибда иктисодий судлар орқали ҳал этилади.

Қашқадарё вилоят Ғузур туман ҳокимлиги ва Қарши нефт база МЧЖ билан 2022 йил 24 январдаги №24 сонли шартномага.

ҲУҚУҚШУНОС ХУЛОСАСИ.

Мен юридик хизмат кўрсатиш бош юристконсульти в.б Ш.Тиловов Ўзбекистон Республикаси 1998 йил 29 августдаги “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуннинг 21-моддасига асосан Ғузур туман ҳокимлиги ва Қарши нефт база МЧЖ билан 2022 йил 24 январдаги №24 сонли шартномасига юридик экспертизадан ўтказиб қўйидагиларни.

Аниқландим.

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 666-685 моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуннинг талабларига тўлиқ жавоб беради. Ушбу турдаги шартнома Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 631-655 сон моддалари ҳамда 666-685 моддалари билан тартибга солинади. Шартнома субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва бошқа норматив ҳужжатлар талабига мос келади.

Шартнома амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқарилган ва уни қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Юридик хизмат кўрастиш маркази

Бош юристконсульти в.б

Ш.Тиловов

